VI. КОРХОНАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАР ФАОЛИЯТИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ

Корхоналар ва ташкилотлар ягона давлат регистри маълумотларига кўра, 2018 йилнинг 1 июль ҳолатига рўйхатга олинган юридик шахслар сони 14 091 мингтага етди, шундан фаолият кўрсатаётганлари сони 13 420 мингтани ёки жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 95,2 фоизини ташкил қилди.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг асосий қисми, савдо (жами рўйхатга олинган юридик шахсларнинг 19,2 фоизи), саноат (15,3 фоизи), қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (15,1 фоизи) ва қурилиш (9,2 фоизи) соҳаларига тўғри келади.

Рўйхатга олинган ва фаолият кўрсатаётганкорхоналар ва ташкилотларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиши

(2018 йилнинг 1 июль ҳолатига)

	Рўйхатга олинган		*Фаолият кўрсатаётган*	
	бирлик	*жамига нисбатан фоизда*	*бирлик*	*жамига нисбатан фоизда*
Жами	**14 091**	**100,0**	**13 420**	**100,0**
шу жумладан:				
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	2 130	15,1	2 010	15,0
саноат	2 156	15,3	2 048	15,3
қурилиш	1 296	9,2	1 260	9,4
савдо	2 712	19,2	2 535	18,9
ташиш ва сақлаш	504	3,6	483	3,6
яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар	968	6,9	906	6,8
ахборот ва алоқа	189	1,3	163	1,2
соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш	196	1,4	195	1,5
бошқа фаолият турлари	3 940	28,0	3 820	28,3

2018 йил 1 июль ҳолатига 11 109 та тижорат шаклидаги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган бўлиб, шундан хусусий корхона –4 135 та, оилавий корхона – 444 та, масъулияти чекланган жамият – 6 142 та, акционерлик жамияти – 20 тани ташкил этади.

Рўйхатга олинган тижорат корхоналарининг ташкилий ҳуқуқий шакллари

1 июль ҳолатига

2018 йилнинг январь-июнида жами 1 567 та янги корхоналар ва ташкилотлар рўйхатга олинган (шундан кичик бизнес субъектлари – 1 265 та). Янги ташкил топган корхона ва ташкилотларнинг асосий қисми Жиззах шаҳри (вилоят бўйича рўйхатга олинган жами корхона ва ташкилотларнинг 22,5 фоизи), Шароф Рашидов (17,0 фоизи), Фориш (9,3 фоизи), Бахмал (8,9 фоизи), Ғаллаорол (7,5 фоизи), Зомин (7,3 фоизи) ва туманларига тўғри келади.

Иқтисодий фаолият турлари бўйича янги рўйхатга олинган корхоналар ва ташкилотларнинг 29,9 фоизи қишлоқ ва ўрмон хўжалиги, 21,0 фоизи саноат ва 18,1 фоизи савдо соҳаларига тўғри келади.

Ҳисобот даврида 325 та корхоналар ва ташкилотлар фаолияти тугатилган бўлиб, улардан 84 таси (жами фаолияти тугатилганлардан 25,8 фоизи) ихтиёрий тугатилиш тартибини қўллаш орқали тугатилган.

Хорижий капитали иштирокидаги корхоналар. 2018 йил 1 июль ҳолатига фаолият кўрсатаётган хориж капитали иштирокидаги корхоналар сони 99 тани ташкил этди.

2018 йилнинг январь-июнь ойларида хориж мамлакатлар резидентлари капитали иштирокида рўйхатдан ўтган янги корхоналар сони 24 тани ташкил этди. Бунда Туркия Республикаси – 10 та, Россия Федерацияси – 8 та, Хитой Халқ Республикаси – 5 та, Афғонистон – 2 та, Корея Халқ Демократик Республика – 1 та, Америка Қушма Штатлари -1 та, Туркманистон Республикаси - 1 та ва Саудиа Арабистон Қироллиги резидентлари иштирокидаги корхоналар – 1 та янги корхона тўғри келди.

Хорижий капитал иштирокидаги корхоналарнинг иқтисодий фаолият турлари кесимида тақсимланиши

2018 йил 1 июль холатига

	Корхоналар сони	*Жамига нисбатан, %*
Жами	**99**	**100,0**
шу жумладан:		
қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги	14	14,1
Саноат	61	61,6
Қурилиш	3	3,0
Савдо	12	12,1
Ташиш ва сақлаш	3	3,0
Ахборот ва алоқа	1	1,0
Бошқа фаолият турлари	5	5,2

Иқтисодий фаолият турлари кесимида хориж капитали иштирокида фаолият кўрсатаётган 99 та корхонанинг 61 таси (61,6 фоизи) – саноат, 14 таси (14,1 фоизи) – қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги, 12 таси (12,1 фоизи) – савдо, 3 таси (3,0 фоизи) – ташиш ва сақлаш, 3 таси (3,0 фоизи) – қурилиш, 1 таси (1,0 фоизи) – ахборот ва алоқа соҳасига, корхонанинг 5 таси (5,2 фоизи) бошқа фаолият турларига тўғри келади.